

# ВИПЛАКТИН БЕЙБИ

## ТИББИЁТДА ҚўЛЛанилишига доир йўриқнома

**Препарат савдо номи:** Виплактин Бейби

**Таъсир килувчи модда (ХПН):** бациллус клаузи

**Дори шакли:** ичга қабул қилиш учун эритма тайёрлаш учун кукук

**Таркиби:**

1 гр пакет қуйидагиларни сақлайди сақлайди:

*Bacillus clausii* 2 миллиард КОЕ

*фаол модда:* бациллус клаузи (*Bacillus clausii* (H)) - 50 мг;

*ёрдамчи моддалар:* коллоид кремний диоксида, лактоза.

**Таърифи:** оч жигаррандоч оч сарик рангтача бўлган ўзига хос хидли гранулаланган кукук

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** ичак микрофлора мувозанатини нормаллаштирувчи дори воситаси (пробиотик).

**АТХ коди:** А07FA

**Фармакологик хусусиятлари:**

**Фармакодинамикаси**

Виплактин Бейби –келиб чиқиши биологик бўлган эубиотик (пробиотик). Препарат нормада ичкада бўладиган *Bacillus clausii* микроорганизмларининг спораларидан таркиб топган, патоген таъсирдан махрум. Патоген таъсирини йўқотган *Bacillus clausii* патоген ва шартли патоген бактерияларнинг ривожланишига қарши кең спектри антибактериал моддалар ишлаб чиқаради ва антимикроб, диареяга қарши таъсир кўрсатади ва ичак микрофлорасини тиклайди. Диарея, қориндаги оғриқ ва метеоризмни йўқотади. *Bacillus clausii* фаолияти туфайли Виплактин Бейби препарати қабул қилинганда, турли сабаблар туфайли ичак микрофлораси бузилиши (дисбактериоз) жараёнида ўзгаришга учраган микрофлора қайта тикланишига ёрдам беради. Шунингдек, *Bacillus clausii* турли хил витаминлар , хусусан В гуруҳи витаминларини ишлаб чиқариш қобилиятига эгалиги сабабли, Виплактин Бейби организмда антибиотиклар ва кимёвий терапевтик препаратлар чақирган витаминлар дисбалансини бузилишини нормаллаштиради. Виплактин Бейби *Bacillus clausii*нинг метаболик фаолиги билан чамбарчаре боғлиқ бўлган носпецифик антиген ва антитоксик самарага эришишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, антибиотикларга қарши сунъий чақирилган юқори гетероген чидамлилиги антибиотикларнинг, айниқса, кең спектри антибиотикларнинг селектив таъсири сабабли келиб чиқадиган ичак микрофлорасини ўзгаришини олдин олинда даволловчи базисни ҳосил қилиш ёки унинг мувозанатини тиклашни таъминлайди.

Антибиотикларга бўлган бундай резистентлик туфайли, Виплактин Бейби препаратини антибиотикларнинг икки дозаси оралиғида буюриш мумкин. Антибиотик резистентлик пенициллинлар, цефалоспориинлар, тетрациклинлар, макролидлар, аминогликозидлар, новобиоцин, хлорамфеникол, тиамфеникол, линкомицин, изониазид, циклосерин, рифампицин, налидикс кислотаси ва пипемид кислотасига тааллуқлидир.

**Фармакокинетикаси**

Ўзининг кимёвий ва физик омиллар таъсиринга юқори чидамлилиги туфайли *Bacillus clausii* споралари ичга қабул қилинганда меъда ширасининг кислотали тўснғидан ўзгармаган ҳолда ўтади ва метаболик фаол вегетатив хужайраларга (вегетатив шаклда ўсиши ва кўпайиши мумкин) айлиниб ичак йўллариغا етиб боради.

Овқат хазм қилиш йўлларида *Bacillus clausii* 30 кундан ортик турмайди, сўнгра табиий йўл билан чиқарилади.

**Қўлланилиши:**

- ичак микрофлораси бузилиши (дисбактериоз) ва унинг оқибатида келиб чиқувчи витаминлар балансининг эндоген бузилишини даволашда ва олдин олинда;

- антибиотиклар ва химиотерапевтик воситалар билан даволаш туфайли ўзгарган ичак микрофлорасини тиклаш бўйича даволаш;

- интоксикация ёки ичак микрофлораси бузилиши (шунингдек, дизентериялар, сальмонеллезлар, ичак таъсирланиши синдроми, колитлар, НЯК, энтероколитлар, мальабсорбция синдроми ва бошқа функционал генезли меъда-ичак бузилишлари) ва кўкрак сuti билан озиклантирилувчи болалардаги дисветаминоз билан боғлиқ бўлган ўткир ва сурункали меъда –ичак бузилишлари.

**Қўллаш усули ва дозалари:**

Дозаси касалликнинг оғирлик даражаси, организмнинг ҳолати ва ёшига боғлиқ.

Ичга қабул қилиш учун. 1 пакетчадан кунига 2 марта, овқатдан кейин. Пакетчанинг ичидагини сувда (30-50 мл хона ҳароратидаги қайнатилган сувда эритиш керак, ҳосил бўлган

суспензияни охиригача эришини кутмасдан ичш керак), судда, чойда ёки шарбатда (бижитилган сутли маҳсулотларда, янги тузилган чакалоқлар ёки кўкрак ёшидаги болалар учун – она сuti, ёхуд сунъий озиклантириш воситасида эритилгани авзалроқ).

**Катталар ва 12 ёшдан катта болалар учун:** суткасига 2-3 пакетчадан (2-3 гр).

**2 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун:** суткасига 1-2 пакетчадан (1-2 гр).

**10йдан 2 ёшгача бўлган болалар учун:** суткасига 1-2 пакетчадан (1-2 гр).

Виплактин Бейби мунтазам интервалларга риоя қилинган ҳолда буюрилади (3-4 соат). Ичак микрофлораси бузилишини даволаш ва олдин олинда ва антибактериал даволаш вақтида пайдо бўлган диареяни даволашда ва олдин олинда препарат антибактериал даволаш вақтида, шунингдек, антибиотиклар билан даволангандан сўнг энг камида 1 хафта ичда қабул қилинади.

Даво курсининг давомийлиги ва уларни ўтказилиш тез-тезлиги индивидуал равишда аниқланади (касалликнинг характери ва эришилган терапевтик натижага қараб), одатда 6-14 кун.

**Ноёя таъсирлар:**

*Аллергик реакциялар:* юқори сезувчанлик (тошма, эшакеми).

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:**

- препаратнинг компонентларига юқори сезувчанлик;  
- лактаза етишмовчилиги, лактозани ўзлаштираолмаслик, глюкозо-галактозали мальабсорбция синдромида қўллаш мумкин эмас.

**Эҳтиёткорлик билан**

- дориларга аллергияда қўлланилади.

**Дориларнинг ўзаро таъсири:**

Бошқа дорилар билан ўзаро таъсири ҳақида маълумотлар йўқ.

**Махсус кўрсатмалар:**

Виплактин Бейбининг антибактериал даво курси вақтида қўллаганда, препаратни антибиотикларнинг иккита кетма-кет қабул қилиш вақти орасида (масалан, антибактериал препаратни қабул қилгандан 2-3 соатдан кейин) қабул қилиш тавсия этилади. *Bacillus clausii*нинг иммуносупрессияси бўлган беморларда қўлланилиши ҳақида ишончли маълумотлар йўқлиги туфайли, Виплактин Бейбининг бундай беморларда фақат шифокорнинг жиддий кузатуви остида қўллаш тавсия қилинади.

**Ҳомилдорлик ва лактацияда қўлланилиши**

Препаратни ҳомилдорлик ва эмизиш даврида қўллашга руҳсат берилмади.

**Дозанинг ошириб юборилиши:**

Одатда *Bacillus clausii* дозаси ошириб юборилганда ноёя таъсирларни келтириб чиқармайди. Кўрсатмаларга асосланиб тавсия этилган дозаларда қўллаганда препаратнинг дозасини ошириб юборилиши кузатилмаган.

**Чиқарилиш шакли:**

*Бирламчи ўрам:* 1 г дан гранулаштирилган кукук пакетчаларда.

*Иккиламчи ўрам:* 10 та пакетча давлат ва рус тилларидаги тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланган.

**Сақлаш шартлари:**

25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда курук, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин.

Бошлар ололмайдиغان жойда сақлансин.

**Сақлаш мuddати:**

2 йил.

Яроқлилик мuddати ўтгандан сўнг қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби:**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи:**

UNIQUE BIOTECH LIMITED, Индия.

**Руйхатдан тузилган гувоҳнома ва савдо белгисининг эгаси:**

BELINDA LABORATORIES LLP, Буюк Британия

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситасининг сифати бўйича истеъмолчилардан мулоҳазаларни қабул қилувчи ташкилотнинг манзили:**

“Ameliya Pharm Service” МЧЖ

Ўзбекистон, Тошкент ш., 100015, Ойбек кўч. 36, “EAST LINE” бизнес маркази.

Тел.: +998 78 150 50 81, +998 78 150 50 82.